

ИҚТИСОДЧИ ЧОРВАДОР.

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи

“Хотира ва кадрлаш” бўлими мудири **Д. Шайхитдинова**

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейига 1920 йилда асос солинган бўлиб, хазина бўлимида 100 мингдан зиёд экспонатлар мавжуд. Улар орасида кп-4546 ракамли хужжатда Ўзбекистонда чорвачилик иқтисодиёти бўйича биринчи фан доктори, профессор Маллабоев Тохирбой Сиддиқович ҳаёт фаолияти ёритилган.



Иқтисод фанлари доктори, профессор Маллабоев Тохирбой Сиддиқович 1937 йил 20 июнда Наманган вилояти Чортоқ туманининг Кўшан қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. Ўрта мактабни тугатгандан сўнг, 1957-1961 йилларда Тошкент молия-иқтисод институтини тугаллаб, 1961-1963 йилларда Андижон вилояти Холдеворонбек тумани молия бўлимида, 1963-1990 йилларда Ўзбекистон чорвачилик

илмий тадқиқот институтида, 1990-1995 йилларда Наманган саноат-технология институтида, 1995-1997 йилларда Тошкент Давлат Аграр университетида иш фаолиятини давом эттирган.

Олим ўз илмий фаолиятини дастлабки йилларида республикамиз қўйчилигини ривожлантиришга бағишлаб, “Қўйчиликда меҳнат унумдорлигини ошириш резервлари” мавзусида 1969 йили фан номзоди диссертациясини ёклади. Бир неча илмий мақолалар ва шогирдлар чиқаргандан сўнг “катта илмий ходим” илмий даражага эга бўлди.

300 дан ортиқ хронометраж ўтказиб, Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги зоналари бўйича табақалашган чўпонларга қўй беркитиш нормаларини ва чўпон-чўлиқларни турмуш маданиятини ошириш мақсадида йириклаштирилган чўпон бригадаларини ташкил қилиш йўллари асослаб берди.

Шундан сўнг олим чорвачиликнинг энг асосий тармоғи бўлган қорамолчиликда ҳали ўз илмий ечимини топмаган масалалар билан шуғулланди ва 28 йил мобайнида қорамолчиликни хўжаликлараро ва хўжаликлар ичида ихтисослаштириш йўллари, ферма ва комплекслар учун асосий фондлар нормаларини, меҳнатни ташкил қилишнинг оилавий ва коллектив пудратларини, ишлаб чиқаришнинг технологик карталарини, сут соғувчилар ишини икки сменада ташкил қилиш йўллари, озуқа нормалари ва уни етиштириш учун талаб килинадиган ер майдонларини асослаб (белгилаб) берди.

Натижада Т.С.Маллабоев Ўзбекистонда биринчи бўлиб, 1986 йил чорвачилик иқтисодиёти бўйича докторлик диссертациясини ёклади ва 1987 йилда “профессор” унвонини олди.

Ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишда ишни технологик карта асосида юритиш катта роль ўйнайди. Аммо технокартани тузишни аксарият хўжаликлар уддасидан чиқа олмаганлар. Шунинг учун хисобга олиб Т.С.Маллабаев томонидан 1974 йилда чорвачиликда технокарта тузиш бўйича методик қўлланма ёзилиб, республикамизнинг барча жамоа хўжаликларига тарқатилди ва республикамизнинг кўпгина вилоят ва туманларида технокарта тузиш бўйича семинарлар ташкил қилинди. Натижада мамлакатимизнинг барча хўжаликларида

технокарта тузиб, шу асосида иш юритишни талаб килинди. Бу эса 2-3 йилда ўзини ижобий натижасини берди, яъни республикамизда зарар билан ишлаётган юзлаб фермалар фойда билан ишлай бошлади.

Олимнинг кўпгина шогирдлари республикамиз вилоятлари ва институтларида раҳбарлик лавозимида ишлаб олий маълумотли кадрлар тайёрлаш ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Охирги йилларда Т.С.Маллабаев институт ва университетларда ишлаб, минглаб иқтисодчи мутахассисларни етиштиришга ўз ҳиссасини қўшган. 100 тага яқин илмий мақолалар, тавсияномалар ва китоблар муаллифи. Москвадаги халқаро обрўга эга “Чорвачилик” журналида бир неча (бешта) илмий мақолалари чоп этилган. Биргина “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журналида 1966-1986 йилларда 15 та илмий мақола билан қатнашган.

Устазода олим 2019 йил 82 ёшда вафот этган. Тохирбой Маллабоевнинг фарзандлари ҳамда набиралари иқтисодиёт, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги ихтисослигида фаолият юритиб, ушбу соҳаларда илмий изланишларини олиб бормоқдалар. Олимнинг илмий йўли ва услубидан намуна олган олган шогирдлари ва авлодлари илмий изланишларини давом эттирмоқдалар.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. 1986 йил. 5-сон.
2. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. 1986 йил. 10-сон.
3. “Наманган ҳақиқати” газетаси. 2015 йил. 12-сон.
4. “Агроилм” журнали. 2016 йил. 2-сон.